ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Саидов Санжар Шавкатович
Сиёсий фанлар доктори,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти концепциясининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва институционал хусусиятлари қиёсий-сиёсий таҳлил асосида тадқиқ этилган. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг тарихий тараққиёти, сиёсий-ҳуқуқий асослари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳамда давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари ёритилган. Шунингдек, минтақада фуқаролик жамияти ривожига таъсир этувчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар, давлат патернализми, институционал мустақиллик, молиявий барқарорлик ва жамоатчилик назорати билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, Марказий Осиё, қиёсий-сиёсий таҳлил, нодавлат нотижорат ташкилотлари, демократик институтлар, давлат патернализми, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати, сиёсий маданият, ижтимоий капитал, минтақавий интеграция.

Аннотация. В статье на основе сравнительно-политического анализа исследуются формирование концепции гражданского общества, этапы её развития и институциональные особенности в странах Центральной Азии. Рассматриваются историческая эволюция институтов гражданского общества в Казахстане, Кыргызстане, Таджикистане, Туркменистане и Узбекистане, их политико-правовые основы, участие неправительственных некоммерческих организаций в общественно-политических процессах, а также механизмы взаимодействия с органами государственной власти. Особое внимание уделяется политическим, экономическим и социальным факторам, влияющим на развитие гражданского общества, проблемам государственного патернализма, институциональной независимости, финансовой устойчивости и общественного контроля.

Ключевые слова: гражданское общество, Центральная Азия, сравнительно-политический анализ, неправительственные некоммерческие организации, демократические институты, государственный патернализм,

DOI: 10.5281/zenodo.24240068

социальное партнёрство, общественный контроль, политическая культура, социальный капитал, региональная интеграция.

Abstract. This article examines the formation of the concept of civil society, its stages of development, and institutional characteristics in Central Asian countries through a comparative political analysis. It explores the historical evolution of civil society institutions in Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan, their political and legal foundations, the participation of non-governmental non-profit organizations in socio-political processes, and their interaction with public authorities. Particular attention is paid to the political, economic, and social factors influencing the development of civil society, including state paternalism, institutional independence, financial sustainability, and the challenges of public oversight.

Keywords: civil society, Central Asia, comparative political analysis, non-governmental organizations, democratic institutions, state paternalism, social partnership, public oversight, political culture, social capital, regional integration.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий-демократик бошқарув тизими, сўз эркинлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришни том маънодаги фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кучли фуқаролик жамияти – бу давлат (ҳокимият) институтлари томонидан чегараланмайдиган, социумни ўзини-ўзи ташкил этишга қаратилган инсонларнинг реал ижтимоий фаоллик даражаси билан характерланади.

Қачонки давлат, сиёсий ҳокимият ва унинг аъзолари жамият устидан эмас, балки жамият давлат институтлари устидан назоратни амалга оширсагина, мамлакатда шахс эркинликлари тўла маънода рўёбга чиқарилиши мумкин. Бундай тизимга ўтиш – тарихий жиҳатдан узоқ ва машаққатли жараён бўлиб, у айнан фуқаролик жамиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, ижтимоий фикр тараққиётида мазкур категория, даставвал, Ж.Локк ва А.Смит томонидан қўлланилган. Уларнинг наздида «фуқаролик жамияти» муайян тарихий ривожланиш жараёни ҳисобланиб, жамиятнинг ёввойи шаклдан цивилизациялашган шаклга ўтишини англатувчи феномен сифатида эътироф этилган. Бу тушунча доирасида ижтимоий фикрнинг машҳур алломалари: Аристотель, Гегель, Марксдан тортиб, XXI асрнинг замонавий муаллифларигача фикр юритган ва ўз ёндашувларини илгари суриб келишади. Фуқаролик жамияти деганда улар ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларида фаолият юритувчи, қўнгилли

асосда ташкил этилган нодавлат тузилмаларни қамраб олган жамият ривожининг муайян босқичини тушунишган.

Ҳар қандай мамлакат ва минтақа ўз тарихий, сиёсий, маънавий-маданий мероси ҳамда умуминсоний тажриба асосида ривожланади. Бундай уйғунлик жамиятнинг тараққий этишини таъминлайди. Сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб бошқарув ислоҳотларини ўтказишда ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги фуқаролик жамиятининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Кўп ҳолларда давлат ва фуқароларни ошкоралик ҳамда ҳисобдорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳукуматларнинг хизмат кўрсатиш имкониятлари бўйича кенг инновация ташаббусларига жалб қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ишончли ҳамкор сифатида ҳаракат қилмоқдалар. Шу ўринда, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти шаклланиш босқичига кирди. Ушбу жараён минтақа давлатларида айрим умумийлик хусусиятига асосланса да, ижтимоий-сиёсий тизим характеридан келиб чиқиб, ҳар бир жамиятнинг ўзига хослигини акс эттиради. Шуларга таянилган ҳолда, Марказий Осиёнинг беш мамлакатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг айрим жиҳатларини очиб берсак.

Қозоғистон Республикасида фуқаролик жамияти. Қозоғистонда ижтимоий ҳаёт даражасининг нисбатан юқори стандартларига асосланган динамик, замонавий мамлакат сифатида тараққиёти инсон капитали, социал-иқтисодий эркинликлар, ва албатта, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш асосида эришиш мумкинлиги давлат ва жамият томонидан тушуниб етилган. 1980 йиллар охири ва 90 йилларнинг бошларида маҳаллий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоат бирлашмаларини тузишни рағбатлантирди. Иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишчилари манфаатларини ифода этувчи мустақил касаба уюшмалари Қозоғистонда биринчилардан бўлиб ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари, жамоат ва диний бирлашмалар, сиёсий партияларнинг институционаллашуви жараёнлари фаол кечди. Фуқаролик фаоллигининг ёрқин ифодаси сифатида ядровий синов майдончаларини ёпишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Невада – Семипалатинск» ижтимоий ҳаракатини эътироф этишимиз лозим.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ривожланишига муайян даражада, давлат томонидан ушбу жараённи амалга ошириш учун тегишли сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш ҳам ёрдам берди, дейиш мумкин.

90 йилларнинг бошларида **Ижтимоий ҳимоя коалицияси** тузилиб, унинг доирасида 28 та турли ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар бирлаштирилди ва ўткир ижтимоий муаммоларни муҳокама этиш орқали ҳал қилиш ва консолидациялашган ҳолда уларни ечиш механизмларини излашга киришдилар [1].

1994 йил декабрь ойида Қозоғистон Республикаси Президенти ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий шериклик бўйича уч томонлама республика комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу конструктив уч томонлама муносабатларни ривожлантириш ва ижтимоий шериклик тизимини яратишга замин яратди.

1990-йиллар охирлари фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг профессионаллашуви билан ажралиб турди, бу эса кенг кўламли ижтимоий муаммолар, талаб ва эҳтиёжларни ҳал қилишда, уларнинг иш самарадорлигини оширишга имкон берди. Медиа бозори ҳам сифат жиҳатидан ўзгара борди, оммавий ахборот воситалари, полиграфия компанияларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёни, шунингдек, давлат томонидан молиялаштириш тизимидан давлат буюртмасига ўтиш мамлакат ахборот сиёсатининг асосига айланди.

1998 йил 7 октябрда парламент томонидан Қозоғистон Республикаси Конституциясига сайловларни партиявий рўйхат асосида ўтказиш бўйича мамлакатнинг сайлов тизимига киритилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар партиявий қурилиш жараёнларини янада тезлаштирди [2].


1999 йилда Қозоғистоннинг деярли барча ҳудудларида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, уларга маслаҳат, маълумот ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида «**ННТлар ахборот-марказлари»** ташкил этилди. 2000 йили ноҳукумат ташкилотларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирадиган ***Қозоғистон ноҳукумат ташкилотлари конфедерацияси*** тузилди. Айнан шу йили қабул қилинган Қозоғистон Республикасида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни ижроия ҳокимият институтлари, иш берувчилар ва ишчилар уюшмалари вакиллари ўртасида манфаатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликнинг ролини оширди. 2002 йил июль ойида қабул қилинган ва жорий этилган янги таҳрирдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун мамлакат партиявий тизимида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришларга олиб келди.

2003 йилда Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Н.Назарбоев иштирокида биринчи **Фуқаролик форуми** бўлиб ўтди. У

нодавлат секторнинг ривожига, давлат, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорлигини ташкил этиш механизмларини яратишга асос бўлди. Шунингдек, 2003-2005 йилларда Қозоғистонда демократияни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамияти ривожини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришга масъул бўлган маслаҳат органи вазифасини бажарувчи «Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Демократия ва фуқаролик жамияти бўйича Миллий комиссия» фаолият олиб борди.

Ўтган йиллар давомида фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, касаба уюшмалари, миллий-маданий уюшмалар, нодавлат оммавий ахборот воситалари шакллантирилди ва ривожланиш босқичига кирди. Бугунги кунда Қозоғистонда расмий рўйхатдан ўтган 7 та сиёсий партия фаолият юритади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият юргизувчи 22 мингдан ортиқ ННТлар тармоғи мавжуд.

Қозоғистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидаги фаолияти



Шу билан бирга, жамиятда нафақат нодавлат институтлар билан боғлиқ, балки давлатнинг глобаллашув процессларида иштирокини таъминлаш йўналишида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Умуман олганда, улар Қозоғистонда фуқаролик жамиятининг уйғун ривожланишига тўсқинлик қилади, унинг ҳар бир сегментига таъсир қилгани ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал қилишни талаб этмоқда.

Масалан, Қозоғистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан тенг ҳуқуқли шерикчилиги масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Ушбу босқичда зарурий лойиҳа ва фаолиятни белгилашда рақобатбардош

жараёнлар шаффофлиги ҳамда ННТлар иштирокини кучайтириш учун давлат ижтимоий буюртмасини шакллантириш механизмини яратиш зарур. ННТлар ривожланиши ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида сустлигича қолмоқда. Рўйхатга олиш тартиби мураккаб ва рухсат этиш характерига эга, рўйхатдан ўтиш учун тўланадиган бадал миқдори ҳам оширилган, юридик шахс ташкил этмасдан фуқароларнинг норасмий бирлашмалари (ташаббускор гуруҳ) мақоми масаласи ҳал қилинмаган. ННТлар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда бизнес тизилмаларнинг иштирок этиши суст бўлмоқда.

Ижтимоий-сиёсий эҳтиёжга қарамай, мамлакатда партиявий қурилиш фаолияти ҳам паст суръатларда олиб борилмоқда, партияларнинг роли ва ваколатлари чекланган. Аксарият партиялар зарур молиявий ва моддий ресурсларга, сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун имзо тўплаш бўйича аниқ қоидалар ва регламентга эга эмас. Партияларни қайта ташкил этиш, бирлашиш ва бошқа омиллар қонуний тартибга солишни талаб қилади.

Касаба уюшмалари эса давлатнинг социал-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этишда тўлиқ иштирок этмайди. Жамоа шартномалари ва келишувлари ҳали-ҳануз ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланмаган.

Миллий оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлигини ривожлантириш ҳуқуқий-норматив ва иқтисодий рағбатларнинг йўқлиги сабаб чекланмоқда. Кўплаб оммавий ахборот воситаларида моддий-техник таъминот етишмайди, молиявий ресурслар чекланган, давлатнинг ахборот сиёсати дастурлари доирасида бюджет маблағларидан фойдаланиш имконияти деярли йўқ. ОАВ аккредитациядан ўтишда давлат идораларидан маълумот олиш ва мурожаатларига жавоб олишда қийналмоқда. Журналистлар ва ОАВнинг ҳуқуқий ҳимоясининг паст даражада эканлиги Қозоғистонда сўз эркинлигини ҳам чеклашга олиб келмоқда («Чегарасиз мухбирлар» халқаро ташкилотининг ҳар йилги ОАВ эркинлиги рейтингида Қозоғистон паст ўринларда белгиланмоқда).

Сўнгги йилларда бир қанча воқеликлар Қозоғистонда фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши учун об-ҳавонинг ёмонлашувидан дарак бергандек кўринади. Масалан, қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида давлатнинг масъул органи нодавлат нотижорат ташкилотларига грантлар бериш бўйича монополияни қўлга киритиши мумкин. Қонунчиликдаги ўзгаришларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларига белгиланган рўйхат бўйича фақатгина айрим йўналишларда фаолиятни амалга оширишга рухсат берилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

соҳалари бундай рўйхатга киритилмаган. Маданият ва спорт вазирлигига нодавлат нотижорат ташкилотларини назорат қилиш бўйича қўшимча ваколатлар берилади. Бироқ ННТларга вазирликнинг маълумотлар базаси учун керакли ёки «аниқ» ахборотларни тақдим қилмаслик жарималарга, тўхтатиб туришга ёки кейинчалик ёпилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шунингдек, 2019 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтган навбатдан ташқари президентлик сайловларида Касым-Жомарт Токаевнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатда демократик модернизация ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича янги давр бошлангандек эди. Лекин, амалда ҳокимият ваколатларининг кўплаб функциялари собиқ президент Н.Назарбоев қўлида сақланиб қолди. Натижада 2022 йилнинг бошида мамлакатнинг жанубий вилоятларида содир бўлган «январь воқеалари» номини олган халқ норозилик ҳаракати ижтимоий муаммоларни кўтарилишидан тез орада сиёсий риторикага ўсиб борди.

Ушбу воқеликларни тўғри англаб етган амалдаги ҳукумат мамлакатда конституциявий ислоҳотларни бошлагани ҳолди, демократия ва фуқаролик жамиятига ён берди. Президентнинг 2022 йил 15 июндаги фармони билан Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик ишончи миллий кенгаши ўрнига Президент ҳузурида миллий қурилтой тузилди [3]. Мазкур қурилтой давлатда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, сўз ва матбуот эркинлигини қўллаб-қувватлаш, қонунчиликни либераллаштириш, демократик тамойиллар ва фуқаролик жамияти институтларини юксалтириш борасида миллий «мулоқот майдончаси» вазифасини ўтиши юклатилган.


Қирғиз Республикасида фуқаролик жамияти. 1990-йилларнинг бошларида Қирғизистонга халқаро донорлик ташкилотларнинг кириб келиши нодавлат нотижорат ташкилотларини яратиш жараёнида муҳим роль ўйнади, дейиш мумкин. Донор ташкилотларнинг келишини Қирғизистоннинг биринчи Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги ҳукумат қўллаб-қувватлади. Бошқарувининг дастлабки йилларида А.Акаев фуқаролик жамияти ташкилотларини (ННТ) ташкил этиш ташаббусларини расмий равишда қўллагани боис тез орада нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жиҳатидан ўса бошлади.

Аксарият ҳолларда ННТларни молиялаштириш халқаро ва донорлик ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилди. 1990 йилларда умуман ННТ сектори ривожланиши спонтан ва хаотик асосларда кечди, баъзи ҳолларда «бир марталик» ташкилотлар ҳам тузиб, уларнинг мақсади битта лойиҳани амалга ошириш бўлар эди. Республикадаги кўп сонли ННТларнинг тузилиши

халқаро ҳамжамият томонидан демократлаштириш ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бирининг ривожланиш белгиси сифатида тан олинди.

Ҳозирги кунда Қирғизистонда рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони, турли хил маълумотларга кўра, 8 мингдан 12 минггача деб эътироф қилинади (Краткий обзор гражданского общества в Кыргызской республике. Asian Development Bank, 2020). Рўйхатдан ўтказилган ННТларнинг кўплигига қарамай, мамлакат бўйлаб фаол тарзда ишлайдиган 600-700 та ННТни кўрсатиш мумкин. Бу маълумотлар Давлат солиқ инспекцияси ва Солиқ маслаҳатчилари палатасининг биргаликда ўтказган тадқиқотлари билан ҳам тасдиқланган. Давлат солиқ инспекциясининг маълумотларига кўра, Қирғизистон бўйлаб 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган ва ҳар ой солиқ ҳисоботларини бериб туришади, шундан 400 га яқини Бишкек шаҳрида фаолият юритади.

Қирғиз Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидаги фаолияти.



Тадқиқотчиларнинг фикрича, мамлакатда ННТ асосан икки катта тоифага бўлинади. *Биринчи тоифа* – ислоҳотлар, демократлаштириш, давлат органлари фаолияти очиқлигини, ошкоралик ва бошқаларни тарғиб қилувчи сиёсий-институционал ташкилотлар. Асосан, бундай ташкилотлар Бишкек шаҳрида марказий даражасида фаолият юргизиб, жуда сиёсийлашган. Ушбу ташкилотлар турли даражадаги ҳисоботлар жараёнида қатнашадилар ва халқаро конвенциялар ҳамда ҳужжатлар тўғрисидаги турли маърузаларнинг

муаллифлари ҳисобланади. *Иккинчи тоифа* – асосан қишлоқ ва минтақаларда фаолият олиб борувчи амалиётчи-ташкилотлардир. Ушбу ННТлар фаолияти қандайдир институционал ўзгаришлар қилишга эмас, балки жамият ва маълум бир ижтимоий гуруҳнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган [4].

Шунингдек, тадқиқотчилар Қирғизистондаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қуйидаги беш тоифага ҳам ажратади: айрим ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи уюшмалар; манфаатлар бўйича уюшмалар; хайрия ташкилотлари; миллий озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича уюшмалар; тараққиёт ташкилотлари. Бироқ ҳукумат бир хил тоифадаги турли хил ташкилотларни рўйхатдан ўтказишга ҳам рухсат беради.

2000 йилларнинг бошларида ННТлар сиёсий майдонга чиқиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш масалаларини муҳокама қилишда қатнашдилар. 2004 йилда Қирғизистон Президенти томонидан ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик концепцияси тасдиқланди. Бироқ ушбу Концепцияни амалиётга татбиқ қилиш механизмлари ишлаб чиқилмагани боис у давлат томонидан молиялаштирилмаган. Таъкидлаш лозимки, Концепциянинг декларатив мақомига қарамай, у ўзига хос ижобий синергетик таъсир кўрсатди; «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идораларининг ўзаро муносабатлари бошқа молия институтларининг кўмаги билан ривожлана бошлади» [5].

Ҳамкорликнинг асосий шакллари сифатида маслаҳатлашувлар, маълумот алмашиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш кабилар қамраб олинди. Фуқаролик жамияти манфаатларини янада самарали ҳисобга олиш учун ННТ вакиллари Президент ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари бўйича Миллий жамоатчилик кенгашлари таркибига, шунингдек, ҳукумат ҳузуридаги идоралараро Кенгашларга жалб этилди. Шу билан бирга, кўплаб муҳим қарорлар, айниқса солиққа тортиш, жамоат ёки экологик хавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ қарорлар фуқаролик жамиятининг минимал иштироки билан қабул қилинди. Кўпинча нодавлат ташкилотларнинг иштироки шунчаки расмий жараён ҳисобланар эди.

2016 йилдан Қирғизистон парламентида «Чет эл агентлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилина бошланди. Мазкур жараён жамоатчилик томонидан фуқаролик жамияти учун жиддий хавф сифатида эътироф этилган. Кўплаб қаршиликлар бўлсада, ушбу қонун 2024 йилда қабул қилинди. Қонунга кўра ННТларни, агар улар чет элдан маблағ оладиган бўлса

ва «сиёсий фаолият» билан шуғулланишса «чет эл вакили» деган тамға ёрлиғини қабул қилишларини талаб қилади, бу атама шунчалик кенг таърифланган эдики, у деярли ҳар қандай турдаги ННТ фаолиятига татбиқ этилиши мумкин.

Парламент сайловлари натижасидан норозилик оқибатида 2020 йилнинг октябр ойида мамлакатда содир бўлган оммавий чиқишлар ва ўзига хос қўзғалонлар ортидан президент ҳамда ҳукуматнинг истеъфо бериши жамиятдаги сиёсий инқироз аломатларидан далолат берар эди. Мазкур жараён ижтимоий ва бошқарув ҳаётини тинч ва босқичма-босқич йўл билан, томонлар манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда ягона консенсусга келишига тўсиқ бўлади.

Бинобарин, таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг етуклик формасини фақатгина нодавлат нотижорат ташкилотларнинг миқдорий кўрсаткичи эмас, балки бевосита фуқаролар ва халқнинг ижтимоий-сиёсий тафаккури даражаси билан белгиланади. Қачонки жамиятда ижтимоий капитал ривожланса, фуқароларнинг давлат органларига нисбатан ишончи мавжуд бўлса, миллий ва диний толерантлик устуворлик касб этса, том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш мумкин бўлади.


Тожикистон Республикасида фуқаролик жамияти. Тожикистонда анъанавий ижтимоий ташкилотлар асосан маданият, эътиқод ва дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Масалан, ***ҳашар*** (қўшниларнинг биргаликдаги ҳаракатлари), ***жамомад*** ёки ***гаштак*** (одамларнинг жамоатчилик даражасида муаммоларни ҳал қилиш учун йиғилишлари), ***маҳалла кенгаши*** (умумий фаровонлик масалаларига оид жараёнларни мувофиқлаштирадиган жамоат аъзоларининг сайланган вакиллари) каби анъанавий тожик концепциялари асрлар давомида шаклланиб, замонавий жамият учун асос яратди. Ушбу ташкилий шакллар маҳаллий даражада сиёсий ва ижтимоий ҳаётга таъсир қилади. Бугунги кунда тожик жамиятида кўнгилли фаолиятнинг кўп турлари қишлоқ ва маҳалла даражаларида мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқининг қулаши ва кейинчалик фуқаролик уруши натижасида жамиятнинг бўлиниши фуқаролик жамияти ривожига ўз навбатида ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги турли ихтилофлар катта ижтимоий ва иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқарган ҳамда фуқаролик жамияти учун ижтимоий макон (ресурс)ни чеклаб қўйди. Аста-секинлик билан жараённинг тартибга солиниши кўплаб фуқаролик ташкилотлари маҳаллий бошқарувнинг кундалик муаммоларини ҳал қилиш масалалари ва жамиятда тинчлик жараёнига эришишга фаол ҳисса қўшишга

ёрдам берди. Мамлакатнинг мустақилликка эришиши асносида ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишни бошлаган ННТларнинг янги тармоғи ва эволюциясининг ривожига олиб келди. Бундай ташкилотлар сони тез орада ўсиб борди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони 1997 йилда атиги 300 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда 625 та, 2006 йилга келиб 2750 га этди. Бугунги кунга келиб эса мамлакатда 3 мингдан ортиқ ННТлар фаолият олиб боради [6].

Ҳозирги кунда Тожикистонда фуқаролик жамияти кенг миқёсдаги иштирокчиларни ўз ичига олади: булар маҳаллий ташкилотлар (жамоат кенгашлари, қўшма ҳудудий яшаш принципига асосланган кенгашлар ва бошқалар), расмий равишда рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмалари ва ҳ.к. Тожикистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади.

Тожикистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидаги фаолияти.



Мамлакатда жамоат ташкилотларининг бир кўриниши сифатида касаба уюшмалари ва ОАВ лар ҳам мавжуд. Ушбу муассасалар долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда жиддий ёрдам кўрсатдилар. Мамлакатда ННТлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – инсон ҳуқуқлари ҳимоясидир. Чекка шаҳар ва қишлоқ ННТлари республикада барқарорлик ва тинчликни ўрнатишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Қишлоқ жойларида айнан нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўмаги орқали фермерлар эгаллаб турган ерларидан фойдаланиш борасида аста-секин ўз овозларини олишмоқда.

Қонуний эътироф этилган ННТлар фуқароларнинг демократлаштириш жараёнига максимал даражада жалб қилинишини таъминлашга ёрдам берди.

ННТ асосан икки катта тоифага бўлинади. Биринчи гуруҳ фуқароларнинг ижтимоий мавқеини, шу жумладан, кенгашни кучайтириш орқали бошланғич босқичда тўғридан-тўғри ёрдам беради, маслаҳат ва ўқитиш ҳамда гуманитар ёрдам соҳаларида фаолият олиб боради. Жамият ресурсларини сафарбар этиш орқали ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигидаги устувор муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият ва жамият аъзоларининг салоҳиятини ошириш билан шуғулланади. Иккичи гуруҳдаги ННТлар юқори даражадаги ҳукумат тузилмалари билан биргаликда сиёсат ва стратегиянинг амалга оширилишини кузатиб боради ва янги стратегияни ишлаб чиқишда фаол ҳисса қўшади. Иккала ҳолатда ҳам, уларнинг роли маслаҳат, тарғибот ва салоҳиятни ривожлантиришда ёрдам беради.

Тожикистонда Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши тинчлик ўрнатиш жараёнида фуқаролик жамияти ролининг ёркин ифодаси эди. Турли ижтимоий ташкилотлар томонидан олиб борилган ишлар сабаб 1997 йил май ойида тинчлик шартномасини имзолашга олиб келди. Орадан деярли ўн йил ўтиб мамлакатда туб ислоҳотларни амалга ошириш, демократияни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида 2007 йилда Тараққиёт миллий кенгаши тузилди. (Указ Президента Республики Таджикистан №355 «Об учреждении Национального совета развития при Президенте Республики Таджикистан». 19 декабря 2007 г.). Миллий кенгаш асосан камбағалликни қисқартириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инсон капитали ривожи борасида ишлар олиб боради.

Шундай бўлса-да, Тожикистонда ҳалигача бирон-бир сектор учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган кучли фуқаролик жамияти тармоғи мавжуд эмас. Ҳозирда тегишли вазирлик маълум бир сектор эҳтиёжларига жавоб берадиган «соябон» ташкилот сифатида ҳаракат қилмоқда. Тегишли вазирлик ўз ичига олган фуқаролик жамияти ташкилотларини мувофиқлаштириш ва уларга жавоб беришда етакчилик қилади. Бироқ фуқаролик жамияти бундай тармоқларни қуриш ва бошқариш учун имкониятларнинг етишмаслигидан хавотирда.

2007 йилда Тожикистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Лекин мазкур қонунга дастлаб 2015 йилда ва кейинчалик 2019 йилда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар нолиберал характерга эга бўлди, дейиш мумкин. Мазкур ўзгартиришларга кўра ННТлар чет эллардан оладиган ҳар қандай грант маблағлари ҳақида

«алоҳида» ҳисобдор бўлиши, ҳар йили адлия, солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этиши ва ўз ходимлари маълумотларини ҳам бериб бориши лозим эди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ташкилотларида ўз фаолияти учун маблағ жалб қилиш бўйича маҳорат ва тажриба етишмайди. Шунингдек, тегишли компетенция ва салоҳиятга эга кадрлар етишмовчилиги ҳам мавжуд. Тожикистон фуқаролик жамияти ташкилотларининг ресурслари чекланган ва заиф, бундан ташқари, жамият ҳар доим ҳам уларга ишонч билан қарайвермайди. Асосан, мавжуд бўлган ишончсизлик муҳити маҳаллий ҳокимият ва бизнес тузилмалар билан ҳамкорликни ўрнатишга имкон бермайди.

Секторнинг ўзида мувофиқлаштиришнинг миллий, минтақавий ва туман даражаларида мавжуд эмаслиги бу борадаги ишларга салбий таъсир ўтказади. Фуқаролик жамияти ташкилотлари халқаро ННТ ва ташқи молиялаштириш манбалари томонидан таъминланадиган қўллаб-қувватлаш ва ўрганиш имкониятларига таянишда давом этса-да, улар, аввало, ҳақиқий ўзгаришларни бошқариши учун ҳукумат билан ишлашда янада самарали бўлишлари керак.

Сўнгги ойларда Тожикистонда фуқаролик жамиятининг аҳволи жиддий равишда ёмонлашганини кузатиш мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотлари Солиқ қўмитаси ва бошқа тузилмалар томонидан бир қатор текширувлардан ўтказилди, бу баъзи ҳолларда миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Бу, айниқса, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини қўрқитиш ва жим қилишга уринишлардан хавотир уйғотди. Маъмурий ва техник талабларга мувофиқ эмаслиги сабабли бир нечта инсон ҳуқуқлари бўйича ННТлар ҳозирда ёпилиш хавфи остида қолган. Улардан бири «Нота Бене» ташкилотидир. Солиқ қўмитаси ташкилотни 2009 йилда рўйхатдан ўтказиш пайтида «қонунчиликдаги бўшлиқлардан» фойдаланганлиги сабабли уни тугатишни талаб қилиб судга даъво киритган. Нота Бене Солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлигида «жамоат бирлашмаси» сифатида эмас, балки «жамоат фонди» сифатида рўйхатдан ўтган.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга киритилган янги ўзгартишларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари чет элдан гуманитар ёрдамнинг махсус реестрига киритиш учун олинган барча маблағлар тўғрисида адлия органларини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳаракатларни амалга оширишнинг аниқ тартиби мавжуд эмас, бу ҳукуматга турли вазиятларда эркин ҳаракат қилиш ваколатини тақдим этади. Фуқаролик жамияти ташкилотлари ушбу талаб нафақат нодавлат нотижорат ташкилотларига қўшимча маъмурий юкларни юклаши, балки халқаро

стандартларни бузган ҳолда ННТларни маблағ олишларига йўл қўймаслик учун ҳам ишлатилиши мумкинлигидан хавотир билдмоқда. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлари ҳам янги талабни бир неча бор танқид қилдилар [7].

Шунинг билан бирга, глобал ва минтақавий жараёнлар фуқаролик жамиятининг тобора ортиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиш лозимлигини уқтирмоқда. Аста-секинлик билан бўлса-да, давлат фуқаролик жамияти учун «фаолият майдони»ни очиб бермоқда. Бугунги кунда турли ННТ вакиллари мамлакатда милиция тизимини ислоҳ қилиш ва янги солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш каби турли жараёнларга тортилмоқда. Масалан, «Фуқаролик жамиятининг жамоатчилик иштироки асосида милиция ислоҳотига кўмаклашиш» ташаббуси фуқаролик жамияти фаоллари, нодавлат ташкилотлар вакиллари ва ҳуқуқ ҳимоячиларини бирлаштиради. Қабул қилинган барча қонун лойиҳаларида бу каби ҳамкорликни тизимли даражага етказиш, муқобил нуқтаи назарларни ҳисобга олиш, ушбу қарорларни амалга оширишда бошқа низолар ва камчиликларга йўл қўймаслик учун муҳимдир. Умуман олганда сиёсий қарорларни қабул қилишнинг доимий фуқаролик назорати ривожлантириш ҳуқуқий-демократик давлатнинг кўрсаткичларидан биридир ва Тожикистон ҳам ислоҳотларни шу йўналишда давом эттирмоқда.

Туркманистон Республикасида фуқаролик жамияти. Аҳоли жон бошига ялпи ички махсулоти нисбатан юқори ўринда туришига қарамай Туркманистон авторитар тизим ва давлат монополиясидаги мамлакат бўлиб қолмоқда. Шундай бўлсада, 2007 йилдан сўнг Туркманистонда эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, нарх-навони либераллаштириш ва иқтисодий секторга эркинликлар тақдим қилиш борасида айрим ислоҳотлар бошланди.

Фуқаролик жамияти ҳам мамлакатда жуда тор ҳолатда қолиб келмоқда, дейишимиз мумкин. Конституциянинг 28 моддасига кўра республика фуқаролари сиёсий партия ва бошқа турдаги жамоат ташкилотларини тузишга хақли [8]. Бундан ташқари, бу соҳани тартибга солувчи «Жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган.


Шунингдек, Туркманистонда сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳалигача қабул қилинмаган. Улар асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинади (Туркманистон Республикасида «Жамоат ташкилотларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низом).

Юқорида санаб ўтилган қонунчилик ҳужжатларига қарамай, ҳокимият ҳар қандай йўл билан жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва бошқариш

ҳуқуқларини чеклашга ҳаракат қилади. Масалан, жамоат бирлашмаси давлат рўйхатидан ўтиши учун ташаббускор гуруҳнинг республика «Адолат» вазирлиги (Адлия вазирлиги) тегишли ҳужжатлар билан бирга тегишли вазирликнинг махсус хати талаб этилади. Агар экология соҳасида ННТ ташкил қилмоқчи бўлсангиз, Табиатни ҳимоя қилиш вазирлигидан, агар маънавий ва таълим соҳасидаги ННТ бўлса, республика таълим вазирлигидан расмий хат олиш талаб этилади. Мазкур ҳолатнинг ўзида эса жамоат бирлашмаларининг мавжуд бўлиш тамойилининг ўзи бузилган – нодавлат ташкилотлар рўйхатдан ўтиш учун давлат муассасаларидан рухсат олишлари нега керак?

Туркманистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 89 тани ташкил этиб, улардан фақатгина 7 таси халқаро ҳамжамият томонидан мустақил ННТ сифатида тан олинган. Мамлакатда жамоат ташкилотларининг аксариятини GONGO (давлат томонидан ва унинг органларига бўйсунадиган жамоат ташкилотлари)лар ташкил этади. Том маънодаги мустақил ва автоном ҳуқуқларга эга, ҳукуматга нисбатан муқобил ҳаракат қила оладиган ННТларнинг фаолияти мушкул вазиятларда амалга оширилмоқда.

Туркманистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидаги фаолияти



Шундай бўлса-да, сўнгги йилларда фуқаролик жамиятининг аста-секин жонланиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Бунга давлат томонидан ҳам фуқаролик жамияти зарурати борасида қарашлар туртки бўлди. Масалан, 2018 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсмен институти жорий қилинди

[9]. Унинг асосий вазифалари сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш, ижтимоий мониторинг олиб бориш ва бу борадаги халқаро стандартларни Туркманистонга жорий қилиш бўйича ишларни олиб бориш сифатида белгиланган.

Шунингдек, энг фаол жамоат ташкилотларидан бири – Туркманистон хотин-қизлар иттифоқи ҳисобланади. Унинг барча туман, шаҳар ва вилоятларда бошланғич ташкилотлари бўлиб, деярли бир миллионга яқин аёлларни бирлаштиради. Хотин-қизлар иттифоқининг асосий фаолияти аёлларни мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган [10].

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқароларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослари, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шерикчилиги ривожланишининг яхлит тизимини белгилаб берди.

Хусусан, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланиши ва фаолиятининг ривожланишини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-2002 йилларни ўз ичига олиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этишга оид қонунчилик шаклланишининг дастлабки даври ҳисобланади. Бу даврда бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Иккинчи босқич 2003-2009 йилларни ўз ичига олиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятининг кафолатларини ҳамда уларнинг моддий-техник салоҳиятини янада кучайтириш билан изоҳланади.

Учинчи босқич ўзида 2010-2016 йилларни қамраб, фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, мустақил ОАВ ва маҳалла институтини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг давлат органлари билан тенг ҳамкорлик ўрнатишининг ҳуқуқий асосларини яратиш даври бўлди.

Тўртинчи босқич 2017 йилдан бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, янгиланаётган Ўзбекистонни демократлаштириш ва либераллаштириш босқичи ҳисобланади ҳамда нодавлат нотижорат


ташкилотларининг жамоатчилик назоратининг реал субъектига айлангани билан изоҳланади. 2018 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши эса Ҳаракатлар стратегияси негизида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтиришнинг институционал ва норматив асосларини янада такомиллаштирди.

Маълумки, 2020 йил 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, Жамоатчилик палатаси иш фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида: давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни жадал ва ҳар томонлама тараққиётига қаратилган саъй-ҳаракатларини уйғунлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш; фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш каби бир қанча функциялар белгилаб берилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5980 сон Фармон. 16.04.2020.).

Шунингдек, Жамоатчилик палатасига «жамоатчилик эшитуви», «жамоатчилик экспертизаси», «жамоатчилик мониторинги» каби механизмларни қўллаш, ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида миллий маърузалар тайёрлаш вазифалари юклатилди.

Шуни эътироф этиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидаги фаолияти



Мазкур соҳада 2008 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори ҳам аҳамиятга молик. Шу асосида Парламент ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ташкил этилиши ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши ўзига хос ижобий ҳодиса бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг энг асосий бўғинларидан бири – ўзини ўзи бошқариш тизими ҳам ривожланмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда маҳаллалар сони 10 минга яқинни ташкил этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янада кучайтириш, маҳалла институтини аҳолининг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 3 февралда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони диққатга сазовор.

Шунинг билан бирга, илмий-назарий тадқиқот ва таҳлиллар натижасида айрим факторларни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда нодавлат

нотижорат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. «Парламент ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратиладиган маблағлар мамлакатда ННТларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишига номутаносиб ҳолатда қолиб келмоқда. Кейинги пайтларда Фонд томонидан ННТларга ажратилаётган молиявий маблағ ва ёрдамнинг ҳаддан ташқари марказлашуви ва монополлашуви ҳолатлари ҳам кузатилмоқда» [11].

«ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласида дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган аъзолик бадаллари, хайрия ёрдамларининг етарли даражада эмаслиги, умуман олганда, маҳаллий ННТларда самарали *фандрейзинг* стратегиясининг мавжуд эмаслигини ҳам эътироф қилиш лозим».

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ННТлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Масалан, «*...бир қанча йирик жамоат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда»* [12].

Фуқаролик жамияти тараққиёти жараёнида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг ижтимоий онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўринга эга. Мазкур соҳада ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, ҳозирга келиб, мамлакатда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият

кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Лекин шунга қарамай, Ўзбекистонда кўпчилик ОАВлари ҳалигача расмиятчилик асосида фаолият юритади. Уларда мустақил фикрнинг дефицити ва ноплюралистик кайфият устуворлик қилиб келмоқда.

Сўнгги йиллар ичида ҳукумат томонидан халқаро ОАВлари билан алоқани тиклаш ва ҳамкорлик ўрнатиш борасида айрим қадамлар ташланди. «Масалан, The Wall Street Journal корреспондентларига мамлакатга киришга рухсат берилиши, 2017 йил июнь ойида Тошкентда ЕХҲТ билан ҳамкорликда медиафорум ташкил этилиши, «Америка овози» радиоси мухбирининг аккредитациядан ўтиши, «ВВС» ва «Озодлик» радиоканаллари билан музокаралар бўлиб ўтиши шулар жумласидандир. Лекин шундай бўлса-да, Ўзбекистон миллий медиа макони ҳали-ҳамон кучсизлигича қолмоқда, танқидий материаллар фақатгина ижтимоий-иқтисодий соҳалар кесимида учраб туради». Шунинг учун ҳам “World Press Freedom Index” рейтингида Ўзбекистон қуйи поғоналарни эгаллаб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатда турли даражада фаолият олиб борувчи ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз профессионализми ва компетенциясини ошириб бориши, ўзининг ташкилий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаши, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўз легитимлигини таъминлаши бугунги куннинг долзарб масаласидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлакатида фуқаролик жамияти у ёки бу шаклда ривожланиб, мазкур ижтимоий-сиёсий жараён айрим давлатларда тезроқ бўлса, айримларида суст кечмоқда. Минтақа давлатлари ўз тараққиётига қаратилган ўрта ва узоқ муддатли стратегик ҳужжатларни қабул қилган. Масалан, Қозоғистон Республикасининг 2025 йилгача ривожлантириш режаси (2018 йил 15 февраль); 2018-2040 йилларда Қирғиз Республикасини ривожлантириш миллий стратегияси (2018 йил ноябрь); Тожикистон Республикасини 2030 йилгача ривожлантириш миллий стратегияси (2016 йил февраль); 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (2022 йил 28 январь) шулар жумласидандир. Ушбу дастурий ҳужжатларда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш билан бир қаторда, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва инсон ҳуқуқ-эркинликларини кафолатлаш борасида алоҳида вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти мавзусига бўлган эътиборнинг кучайишига қаратилган ички ва ташқи

шароитлар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда бу борада шаклланган модел кўп жиҳатдан давлат бош ислоҳотчилигига ва патерналистик характерга асосланади. Айнан ҳокимият жамиятда ижтимоий фаолликни каналлаштириб, уни ННТлар формати орқали ижтимоий йўналтирилган ҳаракатга трансформациясига йўналтиради. Бу эса, ўз навбатида, демократия ва фуқаролик жамияти ривожланишидаги энг катта тўсиқлардан биридир. Шуни таъкидлаш лозимки, «фуқаролик жамияти» феномени қачонки инсонлар ва жамият тафаккурида ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий қадриятга айлангандагина, том маънодаги кучли фуқаролик жамияти қурилишига асос бўлиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, унинг турли даврлар ва ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолияти тўғрисидаги назарий қарашлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солинмайдиган ва бошқарилмайдиган эркин фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топади. Фуқаролик жамияти демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари устуворли ва иқтисодий эркинликларни таъминлагани ҳолда нафақат мамлакат ички сиёсий барқарорлигига, балки самарали минтақавий ҳамкорликка ҳам улкан ҳисса қўшади. Фуқаролик жамияти халқаро даражада ижтимоий капитал феноменини мустаҳкамлашга қаратилган қонуният ва тамойиллари билан минтақавий сиёсий интеграциянинг когнитив асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское общество в Республике Казахстан: концептуальные основы и реальность развития. Алматы/Almaty. 2012.

2. Исмаилов А. Становление и развитие гражданского общества в Казахстане. «Вестник аналитики», -М., 2014. № 4, -С. 64.

3. О создании Национального курултая при Президенте Республики Казахстан. 15.06.2012. Официальный сайт Президента Республики Казахстан - http://www.akorda.kz.

4. Сектор НПО в цифрах и фактах. Инфоамационно-аналитическая кампания «НПО Кыргызстана: вчера, сегодня, завтра!» Бишкек, 2016. -С. 13.

5. Роль неправительственных организаций в Кыргызской Республике: состояние, этапы развития. http://www.inozpress.kg/news/view/id/50083.

6. Буриев М. «Светлая» сторона пандемии: будет ли переосмысление гражданского общества в Таджикистане? // https://cabar.asia/ru/svetlaya-storona-pandemii-budet-li-pereosmyslenie-grazhdanskogo-obshhestva.

7. Заявление пресс-секретаря Управления Верховного комиссара ООН по правам человека от 3 августа 2015 г.: www.ohchr.org/EN/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=16288&LangID=E#sthash.6yzVLtAs.dpuf.

8. Туркманистон Республикаси Конституцияси. http://www.legislationline.org/ru/?tid=2&jid=52&less=false.

9. Государственное информационное агентство «Туркменистан сегодня». https://tdh.gov.tm/.

10. CEDAW. 2004. CEDAW/ C/ TKM/1-2. Consideration of reports submitted by States parties under Article 18 of the Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women. Combined initial and second periodic reports of States parties: Turkmenistan (available at http://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/reports.htm). New York, USA.

11. Саидов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари. // https://www.uzanalytics.com/jamiyat/2946/.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: http://prezident.uz/uz/lists/view/1371.